

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА СИРТҚИ (МАХСУС СИРТҚИ) ВА КЕЧКИ  
(СМЕНАЛИ) ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 21 ноябрь,  
930-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ташкил этиш тартиби  
тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон ҳамда «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3183-сон қарорлари асосида олий таълим муассасасида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича сиртқи (махсус сиртқи) таълимни (кейинги ўринларда сиртқи (махсус сиртқи) таълим деб аталади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида сиртқи (махсус сиртқи) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим қуйидаги шаклларда олиб борилади: сиртқи шакл, махсус сиртқи шакл, иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шакли.

4. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

**2-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш**

5. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш:

сиртқи шаклда — умумий ўрта (10-11-синфлар негизида), ўрта махсус, касб-хунар маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжатга эга бўлган ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан) муваффақиятли ўтган;

махсус сиртқи шаклда — фақат тегишли ёки турдош таълим йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ва таълим йўналишига мувофиқ соҳа, касб, лавозимларда камида уч йиллик амалий иш стажига (педагогика йўналишлари учун педагогик стажга) эга бўлган, тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан берилган тавсияномага эга, тест синовларидан (кириш имтиҳонлари ёки касбий суҳбатдан) муваффақиятли ўтган;

иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот беришнинг сиртқи шаклда — олий маълумотга эга бўлган (агар хорижий олий таълим муассасасини тугатган бўлса, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжати белгиланган тартибда тан олинган (нострификация қилишган) бўлиши керак) ва тест синовларидан (кириш имтиҳонларидан ёки касбий суҳбатдан) муваффақиятли ўтган абитуриентлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низомга** мувофиқ амалга оширилади.

7. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш муддати:

сиртқи шаклда — камида 5 йил;

махсус сиртқи шаклда — камида 3 йил;

иккинчи ва ундан кейинги олий таълим негизидаги сиртқи шаклда — камида 3 йил. Бунда, ўқиш ўқув режаларидаги фанлар фарқидан қатъи назар, бакалаврият таълим йўналишининг 2-курсидан бошланади.

8. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларига талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

9. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини ўқув адабиётлар ва материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

10. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш бўйича олий таълим йўналишларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати 1:20 этиб белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Таълим соҳалари блоклари ва шакллари бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативлари қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланади.

*(10-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

11. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги **низомга** асосан амалга оширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимдан кундузги таълимга ҳамда сиртқи (махсус сиртқи) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга рухсат берилади.

*(12-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги 59-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.02.2020 й., 09/20/59/0126-сон)*

### **3-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш**

13. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёни таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

14. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

15. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режасида қайд этилади.

16. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаси учун ўқишга қабул қилинган ўқув йили бошида (одатда, сентябрь-октябрь ойларида) бевосита олий таълим муассасасида 10 кунлик ўқув жараёни билан дастлабки таништирув ҳамда семестр давомида ўқитиладиган фанлар бўйича қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулоти ўтказилади. Талабаларга мавзулар бўйича топшириқлар ва уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

17. Ўқув сессиясигача бўлган муддатда сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқиш мустақил, жумладан, масофадан туриб таълим олиш шаклида амалга оширилади.

Бунда талаба методик кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда ишчи ўқув режада семестр учун режалаштирилган фанларнинг дастурларида белгиланган мавзуларни мустақил ўзлаштиради.

18. Талаба фан бўйича топшириқларни бажаргандан сўнг, уни фан ўқитувчисига белгиланган муддатларда (одатда, масофадан туриб Интернет орқали) юборди ҳамда қайддан ўтказди. Фан ўқитувчиси талаба юборган материалларни текшириб, оралиқ иши сифатида баҳолайди. Фан ўқитувчиси мавзулар бўйича навбатдаги топшириқлар ва кўрсатмаларни юбориши, шунингдек, он-лайн режимида ўқув машғулотларини ўтказиши мумкин.

19. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим талабаси ҳар бир семестр давомида бир марта олий таълим муассасасига ўқув сессиясига чақирилади. Бунинг учун унга ўқув сессияси бошланишига қадар (камида 10 кун олдин) белгиланган шаклда хабарнома юборилади.

20. Ўқув сессияси давомида:

талаба семестр учун берилган топшириқларни ҳимоя қилади. Фан бўйича барча топшириқлар ижобий баҳоланган тақдирда талабага фан бўйича якуний баҳолашга кириш ҳуқуқи берилади;

фанлар бўйича якуний баҳолашлар ўтказилади;

навбатдаги семестр давомида ўқитиладиган фанлар қисқача (ишчи ўқув режасида белгиланган ҳажмда) маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулоти орқали таништирилади. Ушбу машғулотлар талабага навбатдаги семестр давомида фанларни ўзлаштириши ва топшириқларни бажариши учун асосий ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш усуллари ва технологияларини ўргатишга қаратилади. Мавзулар бўйича топшириқлар билан уларни бажариш юзасидан методик кўрсатмалар берилади.

21. Ўқув сессияси давомида ўтказиладиган маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотида илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ҳал этиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

22. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда талаба тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт. Талабалар билимини баҳолаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(22-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

23. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади.

Оралиқ баҳолашнинг мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳамда сони (бир ўқув семестри давомида икки мартагача) ҳар бир фан бўйича сиртки (махсус сиртки) таълим учун тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуйидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

- курс (лойиҳаси) иши;
- назорат саволлари ва топшириқлари;
- тест-синов саволлари;
- кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;
- тажриба натижалари;
- ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган махсус методик ишланмалар ва тавсиялар;
- ҳисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

Оралиқ баҳолаш масофавий алоқа орқали он-лайн режимида ўтказилиши ҳам мумкин.

24. Сиртки (махсус сиртки) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ишчи ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлаб турган иш жойида мустақил равишда ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган объектда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малакавий амалиётларнинг ҳисоботлари ўқув сессияси даврида белгиланган тартибда ҳимоя қилинади.

25. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.

26. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва бошқалар) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади ва ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

27. Сиртки (махсус сиртки) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятининг тўлиқ мониторинги юритилиб, қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- оралиқ ишларининг бажарилиши;
- оралиқ ва якуний баҳолашлар натижалари;
- давлат аттестацияси баҳолари;
- битирув малакавий иши бўйича баҳо;
- курсдан курсга ўтганлиги.

#### **4-боб. Сиртки (махсус сиртки) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш**

28. Сиртки (махсус сиртки) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

29. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консултациялар, назорат турларини ўтказиш) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

30. Масофадан туриб ўқитиш жадвали сиртки (махсус сиртки) бўлим бошлиғи томонидан белгиланади.

31. Сиртки (махсус сиртки) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

32. Сиртки (махсус сиртки) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

33. Сиртки (махсус сиртки) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консултатив ишларни олий таълим муассасаси сайтидаги «Сиртки (махсус сиртки) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юкларини белгиланган тартибда белгиланади.

34. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, сиртки (махсус сиртки) бўлим бошлиғи ва тегишли кафедра мудири масофадан туриб ўқитишни таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишда ўқув-методик жараёни такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

#### **5-боб. Сиртки (махсус сиртки) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

35. Сиртки (махсус сиртки) таълимда давлат аттестацияси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

*(35-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган фан (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Ўқув режасида битирув малакавий ишини бажариш назарда тутилган тақдирда, битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва сиртки (махсус сиртки) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Сиртки (махсус сиртки) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр дипломи иловаси билан берилади.

#### **6-боб. Сиртки (махсус сиртки) таълим талабаларининг олий таълим муассасасида ўқув сессиясида иштирокини таъминлаш**

38. Сиртки (махсус сиртки) таълим талабаларига ўқув сессиясида иштирок этиш учун ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртача ойлик маоши сақланган қўшимча таътил берилади. Курсда қолдирилган талабаларга эса ҳақ тўланмайдиган таклиф хабарномаси берилади.

39. Сиртки (махсус сиртки) таълим битирувчисига якуний давлат аттестацияларидан ўтиш, битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш учун таълим йўналиши ўқув режаси ва жадвалида белгиланган муддатларда ишлаб турган жойидан камида 30 календарь кунлик ўртача маоши сақланган қўшимча таътил берилади.

40. Битирув малакавий ишини якунлаш даврида битирувчи хизмат қилаётган муассаса унга 30 календарь кунлик маоши сақланмаган қўшимча таътил бериши мумкин. Талаба иш жойидан ташкилот раҳбари ва бухгалтерии имзоси билан шу давр учун ҳақ тўланмайдиган



таътилда эканлиги тўғрисидаги маълумотномани Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимга тақдим этади.

41. Битирув малакавий ишининг яқунланганлиги тўғрисида унинг ҳимояси белгиланган кундан бир ҳафта муддат аввал сиртқи (махсус сиртқи) бўлим бошлиғи ва мутахассис тайёрловчи кафедра мудирини номига билдирги ёзилади ва тегишли ҳужжатда қайд қилинади. Билдирги талаба ёки унинг илмий раҳбари томонидан берилиши мумкин.

#### **7-боб. Сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини бошқариш**

42. Сиртқи (махсус сиртқи) таълим мавжуд бўлган олий таълим муассасаларида бўлим бошлиғи ва ўқув-методик ишлар бўйича методист лавозимларидан иборат бўлган Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим ташкил этилади. Бунда бўлим штат жадвали деканатлар учун белгиланган нормативларга мувофиқ шакллантирилади.

43. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимни олий таълим муассасаси факультетининг декани мақомига тенглаштирилган бошлиқ бошқаради.

Бўлим бошлиғи:

сиртқи (махсус сиртқи) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

талабаларнинг малакавий амалиётларини ташкил қилиш бўйича иш берувчилар билан шартномалар тузади;

ўқитишнинг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабаларнинг битирув малакавий ишлари мавзуларини мувофиқлаштиради ва тасдиқлайди;

талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда сиртқи (махсус сиртқи) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қилади ва амалга оширади;

талабаларнинг курс иши ва битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш учун сиртқи (махсус сиртқи) таълимда ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларни тақсимлайди;

Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимнинг олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

44. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўқув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунди.

45. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлимни сақлаш билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

46. Сиртқи (махсус сиртқи) бўлим фаолияти ҳар бир ўқув семестри охирида тегишли факультетлар ўқув-методик кенгашида ва ўқув йили якунида олий таълим муассасаси кенгашида муҳокама этилади.

#### **8-боб. Яқунловчи қоида**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

47. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

*(47-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

## **Олий таълим муассасасида кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3153-сон қарори асосида олий таълим муассасаларида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Олий таълим муассасаларида кечки (сменали) таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланган қабул квоталарига мувофиқ ташкил этилади.

3. Ушбу Низом соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ва ҳарбий олий таълим муассасаларига татбиқ этилмайди.

### **2-боб. Кечки (сменали) таълимга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил қилиш**

4. Кечки (сменали) таълимга талабаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **низомга** мувофиқ амалга оширилади.

5. Кечки (сменали) таълимда ўқиш муддати — камида 4,5 йил.

6. Кечки (сменали) таълимга кирган шахсларга талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

7. Кечки (сменали) таълим талабаларини ўқув-методик адабиётлар, ўқув-методик хужжатлар, тарқатма материаллар билан олий таълим муассасаси таъминлайди ва билим олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

8. Кечки (сменали) таълим талабалари олий таълим муассасасининг барча ўқув жиҳозлари, аудиторияси, лабораторияси, кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари ҳамда ўқув-ёрдамчи тузилмалари хизматидан бепул фойдаланади.

9. Кечки (сменали) таълимда ўқиш бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларига қараб бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбати кундузги таълим билан бир хил нисбатда белгиланади.

10. Кечки (сменали) таълим талабаларини талабалар сафидан четлаштириш ва ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги **низомга** асосан амалга оширилади.

11. Кечки (сменали) таълимдан сиртқи (махсус сиртқи) таълимга ҳамда кечки (сменали) таълимнинг бир таълим соҳасидан иккинчисига кўчиришга йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш**

12. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим йўналишлари малака талаблари асосида тайёрланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан кундузги таълим учун тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ташкил этилади.

13. Кечки (сменали) таълим таълим йўналишларининг ишчи ўқув режаси ва фан дастурлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурлари асосида ишлаб чиқилади ҳамда таянч олий таълим муассасалари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

14. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни жадвали белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси асосида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаси таркибида қайд этилади.

15. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёни бир ўқув йилида икки семестрли бўлиб, ўқув машғулотларини ўтказиш кундузги таълим билан бир хил тартибда ташкил этилади.

16. Кечки (сменали) таълим талабаси тасдиқланган ишчи ўқув режасидаги барча ўқув фанларини ўзлаштириши шарт.

17. Кечки (сменали) таълимда ўқиш одатда кундузги смена меҳнат фаолиятдан кейинги вақтда аудитория машғулоти (маъруза, амалий, лаборатория) шаклида ҳамда талабаларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда мустақил, жумладан, масофадан туриб ўқитиш шаклида амалга оширилади.

18. Ўқув машғулоти олий таълим муассасаси ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг вақт ва имкониятларини инобатга олган ҳолда талабаларнинг меҳнат фаолияти сменасига мувофиқлаштирилиб куннинг биринчи ярмида ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бунда мазкур талабалар сони академик гуруҳ шакллантириш даражасида бўлиши лозим.

19. Кечки (сменали) таълимда ўқиш (кундузги таълимдан фарқли равишда) бир ҳафтада, одатда, беш кун амалга оширилади ва ҳафталик ўқув соати ҳажми 20 академик соат қилиб белгиланади.

20. Кечки (сменали) таълимда маъруза ўқиш, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишда илғор усул ва технологиялардан (жумладан, муаммоли, интерактив, ижодий фаолиятни ривожлантириш, ижодий вазифаларни гуруҳ бўлиб ечиш, ҳамкорлик педагогикаси, табақалаштириш, индивидуаллаштириш ва бошқалардан) фойдаланилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

21. Кечки (сменали) таълимда талабалар билимини баҳолаш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(21-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

22. Кечки (сменали) таълимда оралиқ ва якуний баҳолаш турлари жорий қилинади. Ўқув фанининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб жорий баҳолаш тури жорий қилиниши мумкин.

Оралиқ иш мазмуни, уни бажариш усул ва тартиблари ҳар бир фан бўйича тайёрланган ишчи фан дастурларида белгилаб берилади ва қуйидаги мустақил иш турларидан иборат бўлади:

курс (лойиҳаси) иши;

назорат саволлари ва топшириқлари;

тест-синов саволлари;

кейслар, машқлар, мисол ва масалалар;

тажриба натижалари;

ишлаб чиқариш муаммоларини ечишга йўналтирилган махсус методик ишланмалар ва тавсиялар;

ҳисоб-жадвал ишлари ва бошқалар.

23. Кечки (сменали) таълим талабаларининг малакавий амалиётлари ўқув режасида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Одатда, битирув малакавий иши олди амалиётидан бошқа амалиётлар (таълим йўналишига мос бўлган ҳолда) талабанинг ишлаб турган иш жойида мустақил равишда ўтказилади.

Битирув малакавий иши олди амалиёти талабанинг иш жойи таълим йўналишига мос бўлмаган ҳолда, шунингдек, ишламаётган талабалар учун барча малакавий амалиётлар олий таълим муассасаси томонидан белгиланган объектда белгиланган тартибда ўтказилади.

24. Муайян курсдаги фанларни тўлиқ ўзлаштирган талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан кейинги курсга ўтказилади.



25. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол ва бошқалар) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади, ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.

Шахсий жадвални белгиланган муддатда бажара олмаган талаба қайта ўқиш учун курсда қолдирилади. Талаба биринчи курснинг биринчи семестридаги академик қарздорликни белгиланган муддатда бартараф этмаган тақдирда, талабалар сафидан четлаштирилади, касаллик туфайли академик таътил берилган ҳолатлар бундан мустасно.

26. Кечки (сменали) таълимда ҳар бир талаба учун шахсий варақа очилади ҳамда унда олий таълим муассасасидаги фаолиятнинг тўлиқ мониторинги юритилиб, қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- оралиқ ишларининг бажарилиши;
- оралиқ ва якуний баҳолашлар натижалари;
- давлат аттестацияси баҳолари;
- битирув малакавий иши бўйича баҳо;
- курсдан курсга ўтганлиги.

#### **4-боб. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланиш**

27. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш талабаларнинг асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ўқув режасидаги барча фан дастурларида белгиланган билимларни мустақил масофадан туриб ўзлаштириш асосида амалга оширилиши мумкин.

28. Масофадан туриб ўқитиш он-лайн (масофадан туриб реал вақт режимида видеомаърузалар, консультациялар, назорат турларини ўтказиш) ва офф-лайн (масофадан туриб ўқитиш тизимидаги тегишли ўқув-методик ресурсларни мустақил равишда ўзлаштириш) режимларида ташкил этилади.

29. Масофадан туриб ўқитиш жадвали ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан белгиланади.

30. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланганда ўқув курсларининг сифати ва самарадорлигининг доимий назорати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Масофадан туриб ўқитишнинг техник таъминоти олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

31. Кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш элементларини жорий этиш дастурий платформаси, регламенти ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

32. Кечки (сменали) таълимда таълим фаолиятини амалга оширувчи кафедралар профессор-ўқитувчилари масофадан туриб ўқитишда ўқув материаллари, топшириқлар ва маслаҳат-консультатив ишларини олий таълим муассасаси сайтидаги «Кечки (сменали) таълим» саҳифасига жойлаштиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боради.

Масофадан туриб ўқитиш элементларидан фойдаланган ҳолда таълим берувчи профессор-ўқитувчилар учун ўқув юклагаси белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи ва тегишли кафедра мудири кечки (сменали) таълимда масофадан туриб ўқитиш амалга оширилишини таъминлайди.

Масофадан туриб ўқитишда ўқув-методик жараёни такомиллаштириш ва илмий-методик масалалар олий таълим муассасаси ўқув-методик кенгаши йиғилишида муҳокама қилиб борилади.

#### **5-боб. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестациясини ташкил этиш**

*Олдинги тахрирга қаранг.*

34. Кечки (сменали) таълимда давлат аттестацияси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

*(34-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

35. Давлат аттестациялари ўқув режасида кўрсатилган фан (фанлар мажмуаси) бўйича ўтказилади.

36. Битирув малакавий иши олий таълим муассасаси бакалавриатида ўқитишнинг якуний босқичи ҳисобланади ва кечки (сменали) таълимда битирув малакавий иши мавзуси ва мазмуни асосан талабаларнинг амалий фаолияти билан боғлиқ ҳолда шакллантирилади.

37. Кечки (сменали) таълимда таълим йўналиши ишчи ўқув режасини тўлиқ бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган битирувчига Давлат аттестация комиссиясининг қарори асосида «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги бакалавр дипломи иловаси билан берилади.

#### **6-боб. Кечки (сменали) таълимда ўқув жараёнини бошқариш**

38. Кечки (сменали) таълим ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи томонидан тегишли таълим йўналишлари деканлари билан биргаликда бошқарилади.

39. Кечки (сменали) таълим ташкил этилган олий таълим муассасаларида ўқув-методик бўлим (бошқарма) таркибида кечки (сменали) таълим учун ўқув-методик ишлар бўйича қўшимча методист лавозимлари жорий этилади.

40. Ўқув-методик бўлим (бошқарма) бошлиғи:

кечки (сменали) таълимни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади;

иш берувчилар, давлат ва жамоат органлари, таълим тизимини бошқарувчи органлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар билан ўзаро алоқаларни амалга оширади, талабаларнинг малакавий амалиётлари бўйича шартномаларини расмийлаштиради;

ўқитишнинг янги технологиялари татбиқ қилинишини ва талабалар ўзлаштириши назорат қилинишини таъминлайди;

талабалар билан ўқув ва тарбиявий ишлар олиб бориш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги бўйича тадбирларни, бўлим ходимларининг ички тартиб ва меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилишини ташкил этади;

ўқув жараёнини таъминлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-методик, илмий ишларини режалаштиради, ташкил этади ва мувофиқлаштиради; олий таълим муассасаси илмий кенгаши мажлисларида, ректоратда, факультет ва кафедраларда кечки (сменали) таълим манфаатларини ўз ваколати доирасида ҳимоя қилади ва амалга оширади;

кечки (сменали) таълим масалалари бўйича олий таълим муассасасининг бошқа тузилмалари билан ўзаро алоқасини таъминлайди.

41. Кечки (сменали) таълим маъмурий бошқарув жиҳатдан олий таълим муассасаси ректорига ҳамда ўқув ва илмий-методик ишлар юзасидан олий таълим муассасаси ўқув ва илмий ишлар бўйича проректорларига бўйсунди.

42. Кечки (сменали) таълим билан боғлиқ харажатлар олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов-контракт маблағлари) ҳисобидан амалга оширилади.

#### **7-боб. Яқунловчи қоида**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

43. Ушбу Низомда қайд этилган масалалар юзасидан келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

*(43-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 4 апрелдаги 153-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.11.2017 й., 09/17/930/0301-сон; 01.02.2020 й., 09/20/59/0126-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)*